

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 228 (6. 119)

© 1986 йил 3 октябрь, жума

© Баҳоси 3 тийми



## КАЙТА КУРИШ— ДАВР ТАЛАБИ РОБОТЛАР ИШГА ТУШАДИ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятининг бош йўли равшан. Бу айрим агрегат станокларини ишлаб чиқаришдан робот ва манипуляторларнинг жорий этиш асосида комплекс механизациялашган линияларни ишлаб чиқаришга ўтишдир. Навики, ҳозир Бутуниттфок «Гламаш-хлоросовдста» ишлаб чиқариш бирлашмаси заводлари робот ва манипуляторлар билан жиҳозланган.

Ҳозир «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлаш-

маси учун роботлаштирилган айлана автоматик линия тайёрланди. Унинг жорий этилиши натижасида 41 та агрегат станок янгилади. 40 ишчини ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларига ўтказиш имконияти туглади. Роботлаштирилган автоматик линиянинг жорий этишдан кўриладиган иқтисодий самара 300 минг сўмни ташкил этади.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлар, трактор заводи учун яна иккита линияни ишлаб чиқаришга тайёр.

Этиш 36 кишини бошқа ишларга ўтказиш имконини беради. Корхона асосий фондларини кўпайтирмаган ҳолда 600 минг сўмлик иқтисодий самарага эришади.

Янги вақтлар ичида агрегат заводи, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси ва бошқа корхоналар учун илҳам ва қўлай ишлаб чиқариш системалари яратилди. Уларнинг жорий этиш меҳнат унвондорлигини ўстириш, одам сонини кам бўлган технологияни жорий этиш имконини беради.

А. УЛИЧКИН.

### Қурилиш майдонларида

## ЗАРБДОР ИШ МАРОМИ

Хуршид кўчасида тўққиз қаватли бинолар комплексини қўзғатилиши қолди. Бу — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари учун қурилаётган ётоқхоналардир. Объектда 159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармаси бинокорлари ғайрат кўрсатишяпти.

Ишнинг мадал боришида бу ерда ишлаётган Ахор Мусоев ва Николай Курач бошчилиги-

даги комплекс бригадалар аъзоларининг ўзаро меҳнат беллашуви муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, А. Мусоев бригадасидан гишт терувчи Д. Пулатов, дурадгор А. Аносов, бетончи Т. Абдуллаев ҳамда Н. Курач бригадасидан пайвандчи В. Хе, монтажчи А. Масимов яхши натижаларга эришмоқдалар.


Зарбдор иш мароми объекта бетон ва гишт каби материалларни етказиб беришда ҳам, қурилиш-монтаж ишлари

олиб борилишида ҳам сезилиб турибди. Қурувчилар бинокларни монтаж қилишни февраль ойида бошлаган эдилар, бу ишни шу йили тамомлаш мажбуриятини олишди.

М. ЮСУПОВ.

СУРАТДА: бригада бошликлари (чапдан) А. Мусоев, Н. Курач, илгор ишчилар В. Хе ва С. Колёва.

Автор фотоси.



## Илғор тажриба алмашилди

Сувоқчилар ишларини илғор усуллар асосида ташкил этиш борасида «Гламашхлорострой»нинг «Оргтехстрой» трести томонидан қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Бунда илғор тажриба мактаби машғулларнинг роли каттадир.

Тошкент область қурилиш

индустрияси илмий-техника мактаби ва «Оргтехстрой» трести ҳамкорлигида ташкил этилган бу мактабда сувоқчилар бригадалари учун ишлаб чиқилган меҳанизм ва асбоблар бўйича норма комплекти ҳам оммалаштирилди. Ишчи кучини тежаш, иқтисодий самарадорликка эришишга қа-

ратилган бундай комплект намунасини тайёрлашда «Оргтехстрой» трести лойиҳа-технология бўлими мутахассислари жонбозлик кўрсатдилар.

Ўзига кенг йўл топган бундай янгилик трестнинг эксперименталь тажриба базасида яратилди.

С. ОДИЛОВА.

## Тонгги газеталарда

● Кеча Тошкентда Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотларининг регионал семинари очилди. «Бир юзда тинчлик маффаатларини қўзғаб» сарлавҳаси остида бутун ана шу семинар ҳақида ҳисобот этилган қилинган.

● 1 октябрь кунин Москвада Катта Кремль саройида ижтимоий файлар кафедралари мудириларининг Бутуниттфок кенгаши очилганлиги хабар қилинган эди. Кенгашда КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ижтимоий файлар кафедраларининг ва-

зифалари муҳокама қилинмоқда. Кенгашда музокара-лар бошланди, деб хабар беради ТАСС мухбири.

● Биофизик олимларнинг фундаментал тадқиқотлари тирик ҳужайранинг биологик мембраналари қўйғарили фаолиятини бошқариш, аниқ мақсадли қўлаб-юқори самарали янги дорини яратиш йлкомиятини беради. 2 октябрь кунин Ўзбекистон пойтахтида ана шу проблемаларга бағишланган илмий-чи Совет — Ғарбий Берлин симпозиуми иш бошлади.

### Техника тараққиёти йўлидан

## МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Тошкент трактор заводи.нинг мутахассислари транспорт воситалари учун ҳаво тозалаш системасини яхшироқ этиллар. Улар яратган ҳаво совутишчу шу мақсадда қўлланилаётган аппаратлардан анча ишчи-пухадлар. Махсус конструкциядаги қурилма резервуардан келётган сувни буғлатирилади ва шу туфайли ўзи ҳам совийди. Бу қурилмадан ўтаётган ҳаво

ҳарорати ҳам пасаяди. Кейин бу ҳаво кабинага ўтиш олдидан зарарли ариалашмалардан тозаланади.

Конструкторларнинг фикрича бу машина аввало, далаларни химиявий доринор билан ишлашда банд бўлган меҳанизаторлар учун зарурдир. Янги кондиционердан сувдан кўп марта фойдаланилади. Бунинг учун махсус айланма резервуар бор.

## ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ



## ҲАШАРЧИЛАР

Мана бир ойдирки, асбоб-созлик заводи ишчилари ва инженер-техник ходимларидан 30 нафар ҳар яшанба кунин Тошкент районидagi Карл Маркс номидаги колхозга бориб, сабзавот ва мева ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларга ёрдам беряпти. Уларнинг шу кунгача бу ерда тайёрлаган сабзавоти 20 тоннадан ошди.

Завод коллективи анча

йиллардан бери Ўзбекистон об-ласта Зарбдор районидagi «Ударник» совхозига оталиқ ёрдами кўрсатиб келаяпти. Ўтган йили совхоз фермасини ремонт қилиш ва водо-проводлаштиришда қўмакла-шишди. Бундан ташқари ҳў-жаликка техника учун зарур эҳтиёт қисмлар, қурилиш ма-териалларидан ёрдам бериб туришибди.

Мана бир ойдан ошдини, заводдан борган дўрт ремонтчи слесари бўлган махсус автоустахона «Ударник» совхозига хизмат қилиб, терим техникасини ремонтдан чи-қаришда иштирок этипти. Шаҳарлик ремонтчилар совхозда пахта йиғим-терими мавсуми тугагунча бўлиша-ди.

## ТАШАККУР БИЛДИРИШДИ

Яқинда кўприк кон-струкциялари экспе-риментал заводи маъ-мурияти ва партия ташкилотини номига Ўзбекистон об-ласта Пахтакор районидagi «Са-марқанд» совхозидан телеграмма келди.

Унда қишлоқ ҳўжали-ги техникасини пахта йиғим-теримига тайёр-лашда фаол иштирок этган заводнинг ре-монтчи ишчилари Кон-стантин Кирпичников ва Евгений Поповнинг ҳўжаликда сидқидил-дан қилган меҳнатлари учун қизгин ташаккур изҳор этилади. Завод коллективига ўн ик-кинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги план ва мажбуриятларни ба-

жаришда катта муваф-фақиятлар тиланади. Темир-бетон кўприк конструкциялари заво-ди «Самарқанд» сов-хозига анча вақтдан бери оталиқ ёрдами кўрсатиб келди. Ҳар йили баҳорги экиш-ти-киш мавсумида ва пахта йиғим-терими ара-фасида ҳўжаликка мах-сус ускуналар билан жиҳозланган кўчма ав-тоустахона юборилади. Бу йил ҳам худди шу-ндай бўлди. Ремонтчи ишчилар К. Кирпични-ков ва Е. Попов авто-устахонада қўриқдаги совхозга бориб, бир ой ҳалол меҳнат қилдилар. Ҳўжаликдаги мавжуд йиғим-терим техникаси

муддатидан аввал иш-га шай қилинди. Ҳо-зи бу ҳўжаликда пахта йиғим-терими қиз-гин давом этмоқда. Совхоз меҳнаткашлари пахта ҳосилининг 80 процентдан ортигини «зангори кема»ларда териб мақсаддага ғай-рат қилмоқдалар.

Завод коллективи «Самарқанд» совхозига материаллар ва ҳар хил эҳтиёт қисмлардан ҳам ёрдам кўрсатиб келаяпти. Шу йилнинг ўзида бу ҳўжаликка ўн кубометр тахта, 100 килограмм электрод, 200 квадрат метр ру-беронд ва бошқа ма-териаллар етказиб берил-ди.

## «СЎНГГИ ҚАБУЛ»

Ҳамза номидаги Ленин ор-денли ўбек Давлат акаде-мик драма театрининг кичик сахнасида драматург В. До-рошениннинг ана шу номдаги асари илк марта томошаби-лар эътиборига ҳавола қили-нади. Ушбу сахна асарини рус тилидан Беруний номи-даги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати О. Ша-рафидинов таржима қилган. Уни режиссёр Сергей Капри-зов сахналаштирди.

Спектаклда шу куннинг долзарб масалалари ўртага ташланади. Уларни ҳал қи-лишда инсонийлик, ҳалоллик-нинг нечоғли катта аҳамия-ти борлиги ҳаётли лавҳалар-да кўрсатиб берилади. Спек-таклдаги асосий ролларни театрининг таниқли артистля-ри Е. Аҳмедов, Р. Авазов, С. Умаров, Э. Комилов, Е. Сатдиев, Ш. Сафоева, Г. Раҳимова, М. Абдуқудузов-лар ижро этишган.

### Шахмат

## Кураш

## КЕСКИНЛАШМОҚДА (БҲҒҲ)

Ленинградда совет гроссмей-стерлари Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов жаҳон би-ринчилиги учун раъвоши матч-нинг 22-партиясини ўйнашди. Оқ доналарни жаҳон чемпи-они Г. Каспаров сурди. Кеча томонлар кечиктирилган пар-тияни давом эттириб, ўзаро дуренга рози бўлишди. Ҳи-соб ҳамон тенг — 10,5:10,5.

### Тошкент—янгича аънааналар шаҳри

## «ЖУРНАЛИСТ» КЛУБИ ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан Москва ва Ле-нинградга келган кўпгина жур-налистлар бажонидил Журна-листлар уйига таширф буюра-дилар.

— Биздачи? Наҳотки Тош-кентда ҳам Журналистлар уйи-га ўхшаш ўз клубимизни таш-кил этиш имкони бўлмаса? — Ўзбекистон ССР телевиде-ние ва радиозаштириш Дав-лат комитети ходимлари ўзла-рига ана шундай савол билан мурожаат қилдилар.

Редикторлар ва оператор-лар, оркестр солистлари ва музикачилари аҳилик билан ўз клубларини ташкил этишга киришдилар. Республика ижо-дий союзлари бу ҳақда хабар-дор қилинди, улар билан бир-галикда ўтказиладиган маж-лислар келишиб олинди.

Наҳот, клуб ўз эшик-ларини очди. Телевидение ва радиозаштириш Давлат ко-митети журналистлари хузурига газета ва журналлардан, Ўзе-бекистон телеграф агентлигидан

ҳамкасблари, ёзувчилар, ки-нематографчилар, рассомлар, архитекторлар, хонандалар ва композиторлар келишди. Бер-ча ижодий ходимлар учун му-ҳим мавзуда жиддий суҳбат бўлди.

Бутунги кунда партия биз-нинг олдимида халқ ҳўжалиги-ни, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қайта қуриш бўйи-ча улкан вазифаларни қўймоқ-да. Ижодий союзларнинг ва-килларида бошқа яна ким олдимида бориши, ташаббус-корлик, ғайрат кўрсатиши, из-ланиши керак! Идеология ва-зифаларини мустақил ҳал этиб бўлмайди, фақат биргаликда-ги куч-ғайрат билан, муаммо-ларни турли томонлардан, тур-ли нуқтаи-назардан таҳлил этибгина, уларни ҳал этиш йўлларини топиш мумкин.

Бу, партия ташкилотини Ўзе-бекистон Компартияси XXI съез-дида қаттиқ танқид қилинган газета ва журналлардан, Ўзе-бекистон телеграф агентлигидан

ётган Ўзбекистон учун алоҳи-да аҳамиятга эга. Бу яна шу-нинг учун муҳимки, айрим идеология ходимларининг он-гида ўз-ўзини мақташ даврида-ги иш услублари, материаллар-ни ёритиш усуллари ўрнашиб қолган. Шунинг учун ҳам клуб аъзолари ўз мажлисларида радио ва телевидение эшит-тирилари, газета ва жур-наллардаги мақолаларни муҳо-кама қилиб, янги, сийқаси чи-қмаган, прогрессива йўл-ларини изланишга аҳд қилди-лар. Ишчилар синфи ва кол-хозчи деҳқонлар вакиллари меҳмонга тақдир этилади. Тошкентлик журналистлар клубга, ўз режиссёрлари муҳо-кама қилишга социологлар ва психологларни, республиканин-г етакчи олимларини, шаҳримиз-га таширф буюрадиган таник-ли ёзувчилар, кинематограф-чилар, публицистларни тақдир этишга қарор қилдилар. Ал-батта, улар ўз клубларида қи-зикерли дам оладилар. «Жур-

налист» клубида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Ах-мад бўлди. У мажлислардан бирини радио ва телевидение эшиттириларида Ўзбек тили софлиги тўғрисидаги суҳбатга бағишлашни тақдир этди. Бу туниттфок «Билим» жамияти республика правлениеси раи-сининг биринчи ўринбосари У. А. Абдураҳмонов телевиде-ниеда республика меҳнаткаш-лари КПСС XXVII съезди қа-рорларини қандай ҳаётга жо-рий этаётганиларини акс эт-тирувчи энг яхши сурат учун фотоконкурс ўтказишни тақдир этди. Конкурс қилибларини «Билим» жамиятининг сов-ринлари кутеди. Тошкентлик рассом Маргарита Шувалова ўз картиналарини кўргазмага қўйибгина қолмай, улардан бирини бўлажак картиналар галереяси учун клубга совға қилди. Композитор Эдуард Каландаров ўзининг янги қў-шиги нотасини туффа этар экан, клубга ўзбек компози-торларининг энг яхши асарла-

ри музика фондини ташкил этишни маслаҳат берди. Ўтган кунин клубнинг набат-даги мажлиси бўлди. У теле-видение, радиозаштиришлари ва киноте сатира ва юмор мавзуга бағишланди. «Наш-тар», «Табессум», «Кармож», «Телеманиаторлар театри»-нинг ташкилотчилари ва муал-лифлари билан уршуша бўл-ди. Амалий, фойдали, қувон-қувбат бўлди. Яна шу маж-лисда Телевидение ва радио-эшиттириш давлат комитети-нинг энг яхши ошпази номи учун конкурс бўлиб ўтди. Чет элларга эшиттириллар ва ре-спублика радиосининг коман-далари уршди. Командалар-нинг ҳар бири мазали палов тайёрлабгина қолмай, эския конкурсда ҳам иштирок этди.

Телевидение ва радиозаш-тириш давлат комитетининг «Журналист» клуби ўзининг дастлабки қадамларини қўй-моқда. У қандай бўлишини вақт кўрсатади. Аммо ташаб-бускорлик, янгилаш ишлаш ис-таги унинг муваффақиятли фаолиятига гаровдир.

А. ФИТЦ.

Ўзбекистон ССР Телевиде-ние ва радиозаштириш дав-лат комитети «Журналист» клуби советининг аъзоси.



СУРАТЛАРДА: «Журналист» клубининг навбатдаги мажлисида.







# «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — 1987 йилда

Газетхон — газета — газетхон

«Оқшом»нинг 1987 йилги қиёфаси қандай бўлади? Бу савол редакция коллективининг ҳам, газетхонларининг ҳам бирдай қизиқтиради. У мароқли ва мазмунли бўлишини, икки миллион аҳолига эга бўлган Тошкент ҳаётининг атрафлича ёритибгина қолмасдан, шаҳар олдиди, унинг меҳнаткашлари олдиди турган муаммоларини ҳам ҳал этишга фаол қўмаклашишини ҳамма астойдил истади.

Газетхонлар ўз хатларида, телефондаги сўзларида редакция коллективининг ишлари янада яхшилашга доир аниқ таклифлар киритмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитети ташкил этган «Тошкент оқшомини»

ва «Вечерний Ташкент» газеталари ходимлари билан учрашувда ҳам кўпгина фойдали масалалар ўртага ташланди. Бу учрашув Фрунзе райониди бўлиб ўтган «Газетхон — газета — газетхон» мунозарасининг ўзига хос давомиди бўлди. Унинг қатнашчилари газета редактори ва унинг ўринбосари ҳам, бўлим мудири ва корректорлар бошлиғи ҳам саволлар беришлари, ўз фикр-мулоҳазаларини ошқора баён этишлари учун ижтимоий яратилди. Тилга олинган масалалар кўламини кенг, мавзунинг ранг-баранг эди. Газетхонлар ўз сеvimли напшларини

атрофлича шарҳладилар, журналистлар ишидаги ижобий ва салбий жиҳатларни кўрсатиб ўтдилар, келаси йилда газетани қандай қиёфада кўришни истаётганини лари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Журналистларнинг газетхонлар билан учрашувиди билдирилган энг асосий фикр газета ўз ишлари тезроқ қайта куриб олини, таъсирчанлигини, оперативлигини янада ошириши лозим, деган хулосага келинганлигидир.

Хўш, Октябрь райони газетхонлари «Оқшом»ни 1987 йилда қандай қиёфада кўришни истайдилар?



СУРАТЛАРДА: Октябрь район партия комитетиди уюштирилган «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» газеталари журналистлари билан бўлган учрашув қатнашчилариди Т. Каримов фотолари.

● Партком секретари Галина Арсентьевна Григорьевна ва тикувчи-мотористка Антонина Михайловна Просина. Октябрь райониди йирик корхоналардан бири — «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси газетхонлари номиди тақрирлар.

— Коллективимизда 6 мингга яқин киши меҳнат қилади, уларнинг аксарияти «Оқшом»нинг доимий ўқувчилариди, — деди Галина Арсентьевна. — Биз бу газетани севаимиз. У «Малика» ишчилари ҳақида кўп ёзгани учунгина эмас, Шаҳарда қандай воқеалар бўй бераётгани, Тошкент нима билан нафас олаётгани ҳаммаизни қизиқтиради. Ахир, шаҳримиз ютуқлари — бизнинг ютуқларимиз, унинг муаммолари — бизнинг муаммоларимиз. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда қайта куриш-яраётини кечмоқда. Бунинг ҳамма билди. Бироқ одамлар билан учрашиб, суҳбатлашганимизда ҳали ҳамма ҳам қайта куришнинг аниқ моҳиятини нимадан иборат эканлигини тушувиб етмагани аён бўлмоқда. Биз ўз корхонамизда олдимишда турган вазифаларни одамларга аниқ ва ишончли тарзда тушунтиришга интиламиз. Бироқ, ўйлашимизки, бошқа корхоналар, ташкилотларда ҳам бўй бераётган ўғарилар моҳиятини аниқ тасаввур етказмаётган кишилар йўқ эмас. «Оқшом» бу ҳақда ўйлаб кўриши, ўз саҳифаларида социал-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида содир бўлаётган қайта куриш муаммоларини умумий сўзлар билан эмас, балки аниқ, ёрқин мисолларда кўрсатиб бериши зарур.

— Ҳа, биз «Оқшом»ни севаимиз, — уни кўлаб-қувватлади Антонина Михайловна Просина. — Бироқ бизга газетанинг қамрови кўпичинча тор бўлиб қолаётган туюлади. Шаҳримизнинг энг яхши кишилари ҳақида ҳикоя қилиб берилаётган «Замондошимиз» рубрикаси очилиши айна муддо бўлди. Бироқ негизда шу рубрика остидаги материаллар асосан йирик корхоналар ва ташкилотлардан ёзилади. Қаҳрамонларнинг кўпчилиги ҳам — ишчилар. Бунга тушунамиз, албатта. Бироқ жуда яхши инженерлар ва педагоглар, фан ва маданият ходимлари, студентлар ва ўқувчилар ҳам бор-ку. Улар ҳам замон дошларимиз.

● Кўпчилик оқшомхонларга газета биринчи навбатда уларнинг касб-кор маффақиятлари тааллуқли масалаларни ёритаётгани учун ҳам қизиқарлидир. Учрашувда Ўзбекистон ССР Госсбани партия комитетининг секретари Анатолий Иванович Ануфриев сўз оиди, газета кейинги пайтда яхшиланиб бораётганини таъкидлади. Айна пайтда у журналистлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ҳар бир меҳнат коллективининг узлуқсиз ишлашини таъминлаш, иқтисоми хом ашёдан фойдаланишни яхшилаш, ҳозирги даврда доллар вазири бўлиб қолган иқтисод қилиш ва тежамкорлик масалаларини кенг ёритишлари керак, деган истак билдирди.

● Район маориф ходимлари касба союзи комитети раиси Гулсара Ҳайдарова на Умарова ва 13-мактаб муаллими Осиё Қаҳоровани кўпроқ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш муаммолари ташвишлантиради. Уларнинг фикрича, газета мактаб ислоҳоти масалаларига кўпроқ эътибор бериши зарур. Чунки ундан ҳамма — педагоглар ҳам, ота-оналар ҳам, болаларнинг ўзлари ҳам бирдай манфаатдордир.

лар. Оталик ташкилотлар билан алоқани қандай мустаҳкамлаша бўлади? Мактабларни компьютерлаш қай йўсинда бормоқда? Нима сабабдан бир мактабда ишлар яхшино иккинчисиди? — қўшни мактабда эса ёмон кетаяпти? Педагогика коллективларида қайта куриш муносабати билан пайдо бўлаётган муаммолар қандай ҳал этилмоқда? Ана шуларнинг ҳаммаси ҳақида газетада ўқини истайдилар.

«Оқшом» саҳифаларида инсоннинг ички дунёсини кўрсатиб бериш зарур. Худди оилада, уйда бола тарбияси ҳақидаги

чиқишлар каби ахлоқ-одоб мавзусидаги материаллар ҳали кам берилаяпти. «Тошкент оқшомини»да «Маҳаллада нима гап?» рубрикаси бор. Бироқ унда кўпичинча ахборот тарафиди материаллар берилади, бўлиб ўтган тадбирлар саналади, уларнинг моҳияти, одамларга кўрсатаётган таъсир, тарбиявий аҳамияти очилмай қолади.

● Комплекс тарбия масалаларини кенг ёритиш керак. — Маданият ходимлари малакасини ошириш институти директори Сирожиддин Сайфиевич Каримовнинг таклифи ана шундай.

## Редакция коллекция шарҳи

Кўпчилик ўртоқларнинг нўқларида «қайта куриш» сўзи кўпроқ жаранглаб турди. Бундан англашладиган маъно шуки, газетхонларимиз редакция ишида ҳам қайта куриш содир бўлишини кўтишапти. Бу давр талабидир.

Редакция адресига билдирилган барча фикр-мулоҳазалар қайд қилиниб, таҳлил этиб чиқилади. Газетхонлар билан бўлган бу мунозара газета мазмунига ҳам, безагига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳозирданок дадил айтиш мумкин. Биз — редакцияимиз ходимлари бугунги кунда шаҳар меҳнаткашларини тўқинлантираётган асосий, энг долзарб мавзуларни аниқлаб олишда ёрдам берганликлари учун Октябрь райони газетхонларига чўқур миннатдорчилик билдиримиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг Узок Шарқ, Ставрополь ва Краснодар ўлкалари меҳнаткашлари билан учрашувлари ишминини қайта куришда бизга йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилади. Уша ишончли суҳбатлар, кескин баҳс-мунозараларда экраника, фан ва маданиятимизни ривожлантиришда янада жадаллаштиришга доир энг муҳим муаммолар ўта ошқоралик, принципчилик ва партиявийлик билан ўртага қўйилди. Бизнинг шаҳримизда шундай муаммолар йўқ дейсизми, Тошкентни социал-иқтисодий ривожлантиришда, шаҳар ҳўжалигида ҳамма нарса силлиқ бораётганими? Газета ана шу муаммоларга дадил киришмоғи шарт. Бундан «Тошкент оқшомини» ўқитиш таъкидий материаллар босгани йўқ, шаҳарнинг кўпгина мавзулари эътибордан четда қолди, деган хулоса келиб чиқмайди.

албатта. Биз ҳаммиза газета саҳифаларида принципал танқидий руҳдаги материаллар бўлишига ҳаракат қилиб келдик. Бироқ, бугунги учрашув кўрсатиб турганидек, газетхонлар биздан кўпроқ нарсани кўтишмоқда; шаҳарнинг социал-иқтисодий ривожланиши ва унинг кўп тармоқли ҳўжалигига онд етилган масалаларга онд-сонда эмас, балки доимий эътибор бериб туришимизни исташапти. У ёки бу муаммо кескин тарзда ҳал этиш йўл-йўриқларини ҳам кўрсатиб беришимиз зарур. Танқид шунчаки танқид учун хизмат қилмаслиги керак, балки у аниқ натижаларга эришсини кўзда тутиш, ҳар бир конкрет материалда қўйилган конкрет проблемани ҳал этишда таъсирчан восита бўлиб қолмоғи лозим.

Ижобий мисоллар намунасида тарбиялашнинг роли катта. Учрашувда сўзга чиққан ўртоқлар ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтишганларидек, оқшомини газеталар саҳифаларида биз тенглашишимиз зарур бўлган машаллар, аjoyиб кишилар ва меҳнат коллективлари ҳақида қалб кўри билан ёзилган материаллар босилиб турибди. Ҳар кун эълон қилинаётган «Замондошимиз» рубрикаси остидаги материаллар газетхонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Яхши иш бошланди, — дейишди учрашув қатнашчилари, бироқ уни изчил давом эттириш ва чўқурлаштириш керак.

Газетхонлар билан ҳар бир мулоқот шунини кўрсатадики, кўпчиликни шаҳарни социал-иқтисодий ривожланти-

риш истиқболлари, тараққиётнинг бош йўналишлари астойдил қизиқтирмоқда. Биз метро ривожланиши, архитектура янгиликлари, маъний, савдо, маданият хизмат тармоқларининг кенгайиши ҳақида бирмунча мунтазам ҳикоя қилиб бормоқдамиз. Бирок, булар ҳали кам. Шунинг учун ҳам редакция келаси йили бу тематикани кенг ёритишни, газета саҳифаларида шаҳар план комиссияси, ГвадПУ, ТашНИПИгенплан ва бошқа ташкилотларнинг масъул ходимларига сўз бериб бериши, Тошкентнинг келажиги макетлари, лойиҳалари билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Атестик тарғиботга, меҳнаткашларини интернационал руҳда тарбиялашга, дам олишни ташкил этиш муаммолари ҳамда районларда газетхонлар билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида улар ўртага қўйган масалаларга кўп эътибор берилади.

Газетхонлар билан ақунловчи учрашувимиз 4 октябрда, редакцияда бўлиб ўтди. Адресимиз: Ленинград кўчаси, 32. Бу мунозареге шахсан иштирок этиш имконига эга бўлмаган газетхонлар ўша кун соат 15 дан соат 17 гача 33-99-42, 32-53-66 телефонлари орқали кўн-гироқ қилишлари мумкин.

Редакция ходимлари сизнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳамма саволларингизга жавоб беришади, газета мундарижаси ва безагини яхшилашга доир ҳамма фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб олишда ҳамма синчилаб таҳлил этишади.

## ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Туризм ва экскурсия — бу сўлим табиат манзаралари билан танишув, диққатга сазовор жойларни эйбат қилиш демасди. Туристик маршрутлар ўрмонлар ва дарёлар қирғоқлари бўйлаб ўтади. Саёҳатга автобусларда ва поездларда йўл олинади. Тошкент шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларига яқин кунларда қандай мароқли маршрутларни таклиф қилади? Қандай маршрутларни буюртириш мумкин? Параллар хиббони 5-ўйда жойлашган бюрода ана шу ҳақда сизга ҳикоя қилиб беришади. Ҳозирча биз автобус маршрутлари ва поездда қилинадиган сафарлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

## Туристик маршрутлар бўйлаб

● 5 октябрда «Ташметрострой» трестининг бинокорлари ўратена — Ленин-обод маршрути бўйлаб сафар ўтказадилар.

● 3 октябрда автобуслар Самарқанд — Бухоро ва Қонибодом — Исфара — Ленинобод маршрутлари бўйлаб йўлга тушди. Бу саёҳат уч кун давом этади.

Ана шу шаҳарларга металл қайта ишлаш заводи ишчилари ва Киров район меҳнаткашлари жўнаб кетдилар.

● «Ўзбектекстильмаш» бирлашмасининг меҳнатчилари Фарғона — Хамзаобод маршрути бўйлаб саёҳат қиладилар.

● 5-7 октябрда «Миконд» заводининг ишчи ва хизматчилари Наманган билан танишадилар.

● 5 октябрда 700 кишидан иборат «Саломатлик»

поезди қатнашчилари Хўжа-кентда дам олади. Улар Хўжакентта электрликда этиб борадилар. Дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган.

● 6 октябрда уч кунлик сафар билан йўлга чиқадиган «Дилором» туристик поезди Самарқанд — Бухоро шаҳарлари бўйлаб ўтади. Унда пўлат иزلарини меҳнатчилари, «Кибернетика» бирлашмасининг ходимлари, Давлат агро-ноат комитетининг хизматчилари, пойтахтимиз меҳмонлари бўлади.

● 4-6 октябрда омонат кассаларининг ходимлари Ватанимиз пойтахти — Москва билан танишадилар. Улар транспортнинг энг қулай ва тақомиллашган усули — самолётдан фойдаланадилар.

## Кўнгилли ҳордиқ чиқарасиз

● Тошкентнинг ўзда қолган оладиган ҳамшаҳарларимизнинг концерт заллари ва театрлар, аjoyиб кишилар билан бўладиган учрашувлар, кўрғазмалар ва кўриқлар кутмоқда. Тўқинчилар маданият саройида 12 октябрда ишлайдиган «Мақсадимиз» — соғлом турмуш» Бутуниттифок кўчма кўрғазмаси экспонатлари билан танишиш мумкин.

Уни ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва Узовпроф ташкил қилганлар. Кўрғазма 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

● Бугун Чилонзор район комсомол комитетининг «Чилонзор» ёшлар марказида соат 20.00 да ёшлар оқшомини ўтказилади.

● 3-4 октябрда «Юбилей» марказида спорт залида «Диалог — 86» ёшлар оқшомини бўлади. Бу тадбир соат 19.00 да бошланади.

● Меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб шаҳримизнинг Карл Маркс кўчасида яна бир оммавий байрам ўтказилади. 4, 5 ва 6 октябр кунлари бўладиган бу маросим «Оби нонлар ва паловлар кўни» деб аталади. Унда Сиз шаҳримиз умумий овқатланши корхоналари пандалари тайёрлаган ранг-баранг паловлар ва обинонларнинг лаззатини то-

тиб, улардан баҳраманд бўласиз. Бу катта тадбир ния шаҳар умумий овқатланши Бош бошқармаси СССР Конституцияси кўни байрами арафасида ташкил этиди.

● 4 октябрда А. Ҳидоятлов номиди маданият уйида Сергей Есенин ижодида бағишланган адабий неча ўтказилади.

● Коммунистик шанба-тининг 50 йиллиги номили маданият ва истироҳат боғида «Меҳнат шон-шарафлар» район театралаштирилган байрами ўтказилади.

● 5 октябрда Сергели райониди Совет Армияси майдониди соат 17.00 да катта байрам нишонланади. У Конституция кўнига бағишланган бўлиб «Биз — совет халқимиз» деб номланган.

● Фрунзе райониди 2-маданият уйи «Обувная» маҳалласида соат 17.00 да Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан учрашув кўрғазмига тайёргарлик кўрган.

● 6 октябрда Тельман номиди маданият ва истироҳат боғида соат 17.00 дан соат 20.00 гача ёшлар кўшқилари байрами янғиради. Унда шаҳримизнинг энг яхши ҳаваскорлик коллективлари қатнашадилар.

А. ПУЛАТОВ.



Тошкентдаги «Илҳом» ижодкор ёшлар клуби санъат сирларини ўрганиш иштиёқида бўлган янгити ва қизларнинг сеvimли маскани. Бу ерда қичида «Масхарабозлар учун ретгавий» спектакли тайёрлаиб кўрсатилди. Уни эксперименталь ёшлар театр студияси коллективини тайёрлади. Суратда: «Илҳом» клубининг янгити спектаклидан бир лавҳа. УТАГ фотохроникаси.


## Жонажон Ватан бўйлаб

ОЛИМЛАРИНИНГ ЯНГИ КАШФИЙТИ

Москва. СССР Давлат қурилиш комитети бетон ва темир-бетон илийи тадқиқот институти олимлари катта диаметри (5,5 метр ва ундан ортиқ ҳажмли) сув ўтказадиган қувурлар учун кам металл сарфлаш усулини, ишлаб чиқдилар. Бундай қувурларни заводда тайёрлаш технологияси ва усқуналар ҳам яратилди.

Суратларда: (чапда) институт олимлари — техника фанлари кандидати А. К. Караковский, очки раҳбари, профессор В. В. Михайлов ва техника фанлари кандидати С. Л. Литвер янгилик устида фикрлашмоқдалар; (ўнгдаги сурат) институт лабораториясида қувурлар учун халқалар синковдам ўтказилмоқда.

П. Максимов фотоси ТАСС фотохроникаси.



## Музей ташаббуси билан

Ўзбекистон ишчилар синфи ўзининг шонли тарихига эга. Ана шу муҳим мавзунинг атрафлича ўрганиш босқисиди олимлар кўп иш қилдилар. Бундай хайрли ишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ойбек номиди Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ходимларининг ҳам муносиб хиссалари бор, албатта.

Республикаимиздаги йирик корхоналар мисолида ишчилар синфи тарихини тадқиқ этиш мақсадида музейи ходимлари «Средазбел» ишлаб чиқариш бирлашмасида кузатишлар ҳам олиб бориладилар. Тўп-ланган материаллар корхонанинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида бой маълумотлар беради.

Шунингдек бу хил материаллар Олмалик кон-металлургия комбинати мисолида ҳам тўп-ланди. Ҳар иккала йирик корхона тарихига доир ана шу ҳужжатларни умумлаштиришга киришилди.

Кейинчалик улар экспонатлар сифатида музей фондиди ўрин олади.

## Обуна давом этмоқда

Тошкент давлат маданият институтининг студент ва ўқитувчилари 1987 йил газет ва журналларига қизиқиш билан ёзилмоқдалар. Институтда 150 дан ортиқ студент 780 нусхадаги газет ва журналларга обуна бўлди. Жамоатчи обуна тарқатувчилардан Маърифат Ка-

римова, Шухрат Пўлдошев каби студентлар бу ишга муносиб хиссаларини қўшмоқдалар.

М. ХОЛИҚОВ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ.



## телепрограммалар

## 6 ОКТЯБРЬ

MT I

9.00 «ВРЕМЯ».

9.50 «Музыкали кун». Таллин дан кўрсатилади.

10.15 «Нега ва нима учун». Болалар учун кўрсатув.

10.40 Волейбол бўйича жаҳон чемпионати. Эраклар. 3-ўрин учун матч. Франциядан кўрсатилади.

11.20 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Е. Моисеенко.

11.50 «Ҳамма учун ва ҳар бир

киши учун».

12.20 ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — РЕСПУБЛИКА ЭЛЬОН ҚИЛИНГАН КИЛГАН. ГДР ТЕЛЕВИДИЕНСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

13.20 «Дарв ва ўзим ҳақида». Шерий антология. Леонид Мартин. РСФСРда хизмат кўрсатган артист И. Ледогов ўқийди.

13.35 ССР Иттифоқи Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — СССР халқ артисти Е. Светланов.

15.25 «КЕЛБН БОНГИ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

15.55 «ТОШ ЧОЛГУЧИЛАР». Мультфильм премьераси.

16.05 «Мўжизасиз-мўжизалар». «Одам институти». 1-кўрсатув.

17.15 «Робото». Куз кунли. Телевизион ҳужжатли фильм.

17.25 Футбол шарҳи.

17.55 Болалар учун фильм. «Катта бўлгим йўқ» («Мосфильм»).

19.10 «9-студия».

20.10 «КУЙЛОВЧИ РОССИЯ». Телевизион бадий фильм премьераси («Мосфильм»).

1-серия. Композитор В. Левашовнинг кириш сўзи билан бошланади.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Куйловчи Россия». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

23.20 Волейбол бўйича жаҳон чемпионати. Эраклар. Франциядан кўрсатилади.

24.00 Янгилликлар.

● MT II

18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Арабат». 2-тайм.

18.45 «XXI асрга экспедиция». Юкори синфлар ҳамда ПТУ ўқувчилари учун кўрсатув.

20.00 Жаҳон халқларининг ижоди.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!», «Билмасов шонир». Мультфильм.

20.50 Телевизион ҳужжатли фильм.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Ҳам куй, ҳам қўшиқ, ҳам табассум». Санъат усталарининг концерти.

● УЗТВ

7.25 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

8.00 «Хива». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

8.10 «Ота-оналарга болалар ҳақида». Ойлада тарбия.

8.20 «Тонгги тароналар».

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 «Чукотка хунармандлари». Телефильм.

9.00 Москва. «ВРЕМЯ».

9.45 «Кинопублицист экрани».

10.30 Бухоро область Пешку районидagi «Наво» ашула ва рақс ансамблининг концерти.

11.05 ГДР миллий байрами — Республика кунга. «У ёлғиз ўзи из қувади». Бадий фильм («ДФА» — ГДР). 1-серия.

12.25 «Бўстон». Тележурнал (такорий).

13.25 «Еш олимплар телеклуби».

13.55 «Рақс лаҳзалари». УзССР ва ҚАССРда хизмат кўрсатган артист З. Давлатмуртова.

17.30 Кўрсатувлар программаси.

17.35 Болалар учун. «Биз кувнок ва шодон яшаймиз».

18.10 «Сунчи». Бадий фильм («Ўзбекфильм»).

19.30 «АХБОРОТ».

19.50 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Советский воина». Тележурнал.

20.30 «АХБОРОТ».

20.55 «ТАМАННО». Фильм-концерт премьераси («Ўзбектеlevision»).

21.15 «Нон ҳақида ўйлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

22.05 СССР халқ артисти Т. Марохонининг ижодий кечаси.

23.10 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Уз икхтири билан». Бадий фильм («Мосфильм»).

20.40 «Яхши қадрият хизмати». Минск ва Будапешт конкурсларида иштирок этган саргарош ва косметологлар ҳақида.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

ХАМЗА НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да Кўёв, 4/Х да Ревизор

НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/Х да Хотинининг эри, 4/Х да Мангунлик.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да Майсарининг иши (19.00), 4/Х да Вагончик (рус тилида) (19.00).

## КИНО

3, 4 ОКТЯБРА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Санъат саройи (11, 13, 15, 17; телефонлар 44-21-34, 44-21-44). Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Ватан (телефон 75-54-39).

«ИКИ ЕКЛАМА ҚОҲҚОН» (Ўзбек тилида) — Санъат саройи (11.30, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-34).

«ИТАЛЬЯНЧА АЖРАЛИШ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 78-47-25).

«ОЧИНГ, ПОЛИЦИЯ!» — Москва (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40да, телефон 33-05-01). Восток (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 91-14-61), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«РОЗМАРИ ИСМЛИ ҚИЗ» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«РАҚС ТУШИШНИ УРГА» — Қозғонистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Лисув номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«КАШҚИРЛАР УЧУН ҚОҲҚОН» — Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ВАСАВАСА» — Фестиваль (21.10).

«СВЕРГА ВА КАПТАРЛАР» — Хива (21.10).

## ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ. 3-Октябрьда биринчи марта «ИРТИҚ» ҲАЙВОНЛАР АТТРАКЦИОННИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

ТОШКЕНТ ШАХАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАХАР ИЖРОЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ киносатрлар ва маданият саройлари экранларида «ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНО-СТУДИЯСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ФИЛЬМЛАРНИ

ТАКРОРИЙ НАМОИШИ ҚИЛАДИ

М. Шайхзаода номли кинотеатрда

7-12 октябрьда — Синчалак. «ИСКРА» кинотеатрда 3-5 октябрьда — АМИРЛИКНИНГ ЕМИРИЛИШИ. «ДРУЖБА» кинотеатрда.

27 октябрь — 2 ноябрда АМИРЛИКНИНГ ЕМИРИЛИШИ.

Агрегат заводи маданият саройида

27-28 октябрьда — АМИРЛИКНИНГ ЕМИРИЛИШИ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМСОМЛ

КОМИТЕТЛАРИ

3, 4, 5, 6, 7 ОКТЯБР

СОАТ 19.30 ДА

«ДИАЛОГ»

ЕШЛАР КЕЧАСИНИ

УТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА:

республика олий ўқув юрталари, министрликлар ва идоралар, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раҳбарлари, комсомол ходимлари билан;

«Ешлар театр студиялари коллективлари, оригинал жанр артистлари, «этноантропология ва хореография» рақс гуруҳлари билан урчушувлар ва «КАРДИО» динокоу-бининг янги программаси.

Билетлар олий ўқув юрталарининг вакиллари томонидан ва «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.

КАССАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Чилонзор районидagi 201-ўрта мактаб томонидан Талипов ва Муканбаев номига берилган 649986 номерли йўқолган 8-синфини ТУГАТАНЛИГИ ТУРГИСИДАГИ ГУВОННОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Собир Рахимова районидagi 23-мактаб томонидан Соликов Жўрабой Исмоилович номига берилган 836778 номерли йўқолган УРТА МАЪМУЛОТ ТУРГИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

## 7 ОКТЯБРЬ

MT I

ССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

9.00 «ВРЕМЯ».

9.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи. Г. Каспаров — А. Карпов.

10.00 Иттифоқдош республикалар болалар бадий коллективларининг концерти.

10.30 Ҳужжатли фильмлар: «Дадам, онам, мен — туристлар оиласи» («ЦНФ»), «Суриков ҳузурда, Пензада» (Куйбисhev).

11.00 МТ экранда биринчи марта. «40 Танянинг фойдаси». Бадий фильм (Одесса киностудияси).

12.25 «АЖИАУНИ». Фильм-концерт премьераси («Экран»).

12.50 «Шалпангқулоқ ва унинг дўстлари». Мультфильм.

13.05 Сибий театр. «СУДЬБАР УСТИДАН СУДА». Моссовет номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Э. Манн.

16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «МАСК».

18.15 «Янгра, гармонь». Кўрсатувни РСФСРда хизмат

кўрсатган артистлар А. ва Г. Заволокинлар олиб боради.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 Е. Исеев. «Соат йигирма беш». Поэма. Автор ўқийди.

19.50 Илмий-оммабоп фильм.

20.05 МТ экранда биринчи марта. «Мен саялаган одам». Бадий фильм («Мосфильм»).

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 СССР Конституцияси кунига бағишланган байрам концерти.

23.20 «Дунё воқеалари».

23.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● MT II

16.50 П. И. Чайковский. «Йил фасллари». Фортепьяно

туркуми. Бутуниттифоқ ва Халқаро конкурслар лауреати А. Севидов ижросида.

17.40 «Киноанорама».

19.20 «Дин Рид ҳақида ва қўшиқдан».

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».

20.50 «Биз коммунизм қуряймиз». Марказий кўргазмалар залида Бутуниттифоқ бадий кўргазмасидан репортаж.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Тўйдан олдин тўй савҳати». Телевизион бадий фильм (Молдова-фильм)». ● УЗТВ

7.25 Ритмик гимнастика.

8.00 «Пioneer телетайпи».

8.10 «Ўзбекистон дея аталур». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

8.20 «Тонгги тароналар».

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 «Ватанимиз шарафлаймиш». Ватан ва меҳнат ҳақида шеърлар.

9.00 Москва. «ВРЕМЯ».

9.40 «Бугун — СССР Конституцияси кунини». «Бахтимиз қомуси».

10.10 «Тошкентнинг олтин кунини». Санъат усталари ва ижроиячилар концерти. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлар дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

11.50 «У ёлғиз ўзи из қувади». Бадий фильм. 2-серия.

13.10 «Дилдан қуйлаб, ўйна қунаб». ҚАССР ва республика областлари болалар бадий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда — Фаргона ёшлари.

18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 «Бахтли болалар». Адабий-музыкали композиция.

18.40 Мультфильмлар.

19.00 Адабий театр. Ф. Гулом. «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.

19.30 «АХБОРОТ».

19.50 «Дўстлик чаманзоридан». Концерт.

20.30 «АХБОРОТ».

20.55 «Дўстлик чаманзоридан». Концерт (давоми).

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

22.05 Москва. СССР Конституцияси кунига бағишланган байрам концерти.

23.20 Кўрсатувлар программаси.

ТОШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Жаҳжжиг йигити». Болалар учун фильм-концерт.

20.00 «Бахтли одам». Бадий фильм («Беларусфильм»).

21.10 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

## 8 ОКТЯБРЬ

MT I

9.00 «ВРЕМЯ».

9.45 Мультфильм.

9.55 «Мен саялаган одам». Бадий фильмлар:

11.20 «Савҳатчилик клуби».

12.20 МТ ва БРнинг А. Петухов раҳбарлигидаги эстрада-симфоник оркестри концерти.

13.15 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар.

15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари:

«Ҳар бири учун жавобгар»

(Иркутск), «Буюк рассом ҳақида сўз» (Волгоград), «Краснодарск» (Ашхобод).

16.10 Совет композиторларининг асарларидан симфоник миниатюралар.

16.40 Мухбирларимиз ҳикоя қилади.

17.10 Гуцул ашула ва рақс ансамблининг концерти. Черновце шаҳридан кўрсатилади.

18.00 «Дин ва сивсат».

18.45 «Агросаноат: бугун ва эртага». Инженерлик хизмати муаммолари. Кўрсатувда СССР Агросаноат Давлат комитети раисининг ўринбосари В. Черновцов иштирок этади.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 «Тўнган кун». Мультфильм.

19.40 «Дунё ва ёшлар».

20.15 «Окада тонг отди». Телевизион ҳужжатли фильм.

20.25 «МАРУСА ХОЛА». Телевизион бадий фильм премьераси («Беларусфильм»).

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Жаҳон халқларининг қўшиқлари». Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қўшиқлари ижрочилари Бутуниттифоқ конкурснинг лауреатлари И. Малигина ва Э. Бабаев қуйлиди.

22.45 «ЕЛГИЗ СЕНГА АТАБ ГУЛ ДАСТАЛАЙМАН». С. Есенин ижоди ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»).

23.05 «Дунё воқеалари».

● MT II

18.30 Янгилликлар.

18.50 «КРАСНОЯРСК». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Красноярск).

19.10 Поэзия. Сергей Островой.

19.35 Музыка архитектура ёдгорликларидан. Прага камер оркестри чалади. (ЧССР).

20.20 «№ 1». Футбол дарвозабонлари Р. Дасаев ва О. Габелия ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».

«Шер боласи ва тошбақа қўшиқчи қандай айтишди». Мультфильм.

20.50 «Узроқ ҳамжихатлар». Социалистик мамлакатлар

нинг ишлаб чиқариши автоматлаштириш соҳасидаги ҳамкорлиги проблемалари ҳақида.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 Саргузашт фильмлар экрани. «Тунги патруль». Бадий фильм (М. Горький номи киностудияси).

● УЗТВ

7.25 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

8.00 Комсомол сўзиди олдиндан. «Азёло ўқш учун». Тележурнал.

8.20 «Тонгги тароналар».

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 «Ўзбекистоннинг яқини». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

16.30 Кўрсатувлар программаси.

17.05 «Мен қизил ўрмон расмини чизаман». «Дилли. Далли Қўйлиш богдан». Мультфильмлар.

17.20 УзССР тарихи. 9-синф. Ўзбекистон 1941—1945 йилларда.

18.00 Янгилликлар.

18.15 Тенис. «Динамо» Марказий Совет биринчилиги. (Езбик олинган репортаж).

18.45 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Ешлик сибий клуби».

19.30 «АХБОРОТ».

19.50 «Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари». КПССнинг тинчликсевар сийсати.

20.20 «Дарв оҳангидан». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

20.30 «АХБОРОТ».

20.55 Чолгу қуйлари кечаси.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

22.05 «Хирмонингизга барака».

22.25 «Умид». Телевизион клуб. Сурхондарё область ижодкор ёшларига бағишланган кўрсатув.

24.00 Кўрсатувлар программаси.

● TOШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Совга». Қисқа метражли телевизион бадий фильм.

20.05 «Пioneer телетайпи» (такорий).

20.15 «Челекен». Телефильм.

20.25 Ритмик гимнастика.

20.45 «Егиндан сакланган» туркумидан.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

## 9 ОКТЯБРЬ

MT I

9.00 «ВРЕМЯ».

9.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

10.00 Украина радиоси ва телевидение халқ чолгу оркестрининг концерти. Киёвдан олиб кўрсатилади.

10.30 «Маруса хола». Телевизион бадий фильм. 1-серия.

11.35 «Мўжизасиз-мўжизалар».

12.45 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади (фортепьяно).

13.15 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар.

15.20 «Замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар: «Галлакор» (Кишинёв), «Изабелла ва топамен» (Шарқий Сибирь кинохроника студияси).

16.00 Халқ қуйлари.

16.10 «Шахмат мактаби». Разрядликлар синфи.

16.45 «Кувнок стартлари».

17.30 «Байкал узра нур». СССР халқ артисти К. Базарсаев қуйлиди. Улан-Удедан кўрсатилади.

18.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 «СЭНИ АМАЛДА ИШ

БИЛАН ОҚЛА». Автотранспорт ишларининг самардорлигини ошириш ҳақида.

20.05 Мультфильмлар премьераси.

20.15 «Фан ва техника». Киножурнал.

20.25 «МАРУСА ХОЛА». Телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия.

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Инсон — йирик планета». Кинорежиссёр М. С. Литвяков билан учрашув.

23.25 «Дунё воқеалари».

23.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Реванш матчи.

● MT II

18.30 Янгилликлар.

18.50 «Қишлоқ янгилликлари».

19.50 Ритмик гимнастика.

20.20 «Деталь». Илмий-оммабоп фильм.

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».

«Пластилинчалар». Мультфильм.

20.45 «Сиз бунга қодирсиз».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «... Галабинлар ақойиб лаҳзалари». Бадий фильм (А. Довженко номли киностудия).

23.20 «АРМУДЛАР». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Махсус стаканларда чой тайёрлаш ҳақида (Бонку).

23.30 Баскетбол. Европа чемпионлари кубог. Эраклар. «Жальгирис» (Каунас) — «Стява» (Бухарест). Каунасдан кўрсатилади.

● УЗТВ

7.25 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!».

8.00 Комсомол сўзиди олдиндан. «Беш йиллик одимлар». Тошкент область Бўка районидagi «Правда» совхозининг пахтачилик бригадаси ҳақида тележурнал.

8.10 «Октябрь анорининг таъми». Ҳужжатли фильм («Ўзбектеlevision»).

8.20 «Тонгги тароналар».

8.30 «АХБОРОТ».

8.50 «Астрахань». Телефильм.

16.30 Кўрсатувлар программаси.

16.35 География. 8-синф. СССР ўрмон саноати.

17.05 «Мен қизил ўрмон расмини чизаман». «Дилли. Далли Қўйлиш богдан». Мультфильмлар.

17.20 УзССР тарихи. 9-синф. Ўзбекистон 1941—1945 йилларда.

18.00 Янгилликлар.

18.15 «Ховлимадаги стадион». Бухоро областидан кўрсатув.

18.45 «Малахита». Телефильм.

18.55 «Инсон болалиқдан бошланади».

19.30 «АХБОРОТ».

19.50 «Хўжаликка қарши кураш». Навоий областида социал маданий-маиший объектлари ҳамда саноат корхоналарининг қишга тайёргарлиги ҳақида.

20.30 «АХБОРОТ».

20.55 Еш ижрочилар концерти.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

22.05 «Ягона сибий кун».

22.35 Шухрат. «Дўстимнинг ўғли». Теленовелла.

23.45 Кўрсатувлар программаси.

● TOШКЕНТ ШАХРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Ешлик» студияси кўрсатди. «Эстафета давом этади».

20.00 Реклама.

20.10 «Қўшиқ ҳамиша биз билан». Фильм-концерт.

21.00 Тошкент обласининг 414 минг тонна қоқ олтинини учун.

21.30 Москва. «ВРЕМЯ».

## 10 ОКТЯБРЬ

MT I

9.00 «ВРЕМЯ».

9.45 «Кувнок стартлари».

10.30 «Маруса хола». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

11.35 Фасил Ахметов асарларидан концерт. Қозондан кўрсатилади.

12.10 «Объектив».

12.40 Янгилликлар.

15.00 Янгилликлар.

15.20 «Тажрибада синаб қўрилган». Ҳужжатли фильмлар.

15.55 Кубань ўлкаси қўшиқла

ри. Краснодардан кўрсатилади.

16.30 «Рус тили».

17.00 «Экран қуйлари». РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Бахден раҳбарлигидаги Ленинград Давлат концерт оркестри чалади.

17.35 Н. Носов хазрамоналари экранда. «Толка Кювинининг саргузашти» (М. Горький номли киностудия).

18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.

19.15 «Дунё воқеалари».

19.30 «ЖОЙИДА ХАЛ ЭТИЛАДИ». «Шахсий позиция». 1-кўрсатув. Саратов область партия ва совет ташкилотларининг КПСС XXVII съезди қарорларини бахариш соҳасидаги иш тажрибаси тў

ринида. Кўрсатувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Саратов область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хомяков иштирок этади.

20.15 «Танчнинг — ёш кинематографчилар». «Мосфильм» киностудияси ёшлар экспериментал ижодий уюшмасининг қисқа метражли бадий фильмлари: «Ташриф», «Хазиллик».

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 Союзлар уйининг Колонна залда Арманистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор А. Долуханяннинг асарларидан концерт. Танасфурс пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

● MT II

18.30 Янгилликлар.

18.45 Ақойиб кишилар ҳаёти. «Умр бир марта берилади». Норвег савҳатчиси ва жамоат арбоби Ф. Нансен ҳақида бадий фильм («Ленфильм» ва «Норскфильм», Норвегия киностудиялари).

20.15 «Ферма». Ҳужжатли фильм («ЛСДФ»).

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!».

«Йўл-йўлакй булутлар билан». Мультфильм.

20.45 МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — С. Г. Андерсен (Швеция).

21.30 «ВРЕМЯ».

22.05 «Иван Фёдоров друкар

москвитини». Ҳужжатли